**2018 йил 30 июль, душанба**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (13.739)

*Баҳоси эркин нархда*

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЧИНАКАМ ХАЛҚЧИЛ ТИЗИМГА АЙЛАНМОҒИ КЕРАК

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, прокуратура, ички ишлар ва мудофаа вазирликлари раҳбарлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирок этди.

Қонун устуворлигини таъминламасдан, жиноятчиликнинг олдини олмасдан халқ ишончини қозониш мумкин эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда, барча даражадаги раҳбарлардан қатъий масъулият ва жавобгарлик талаб қилинмоқда.

Шу мақсадда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинди. Жумладан, илгари барча ходимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман бошқармаларида, 40 фоизи жойларда фаолият юритган бўлса, энди 35 фоизи идораларда қолдирилиб, 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида ишлай бошлади. Тизимни такомиллаштиришга оид 80 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинди.

Аммо бундай чора-тадбирларга қарамасдан, жойларда ҳали жиноятчиликнинг туб илдизига тўлиқ етиб борилмаяпти. Жиноятларнинг асл сабаблари ўрганилмаяпти, маҳалла, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларидаги муҳокамалар номига ташкил қилиниб, расмиятчиликдан нарига ўтмаяпти.

Маълумотларга қараганда, 2017 йилда жиноятлар 2016 йилга нисбатан 16 фоизга, жорий йил 6 ойида эса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 фоизга камайган. Лекин қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг сони ҳамон юқорилигича қолмоқда.

– Ҳамма бирдек енг шимариб, муаммолардан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олган ва унинг туб моҳиятини тушунтирганида эди, бугунги аҳвол ва рақамлар умуман бошқача бўларди, – деди давлатимиз раҳбари. – Афсуски, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳанузгача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш амалиёти авж олган. Шу сабабли энди жиноятчиликни жиловлаш бўйича ишлар бутунлай янгича тизимда ташкил этилади. Бу тизим "Жиноят ҳақиқати ва адолат" деб номланади. Масъул раҳбарлар жойларга бориб, жиноятларнинг сабабларини ўрганади, муҳокама қилади, такрорланишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўради. Оммавий ахборот воситаларида "Жиноят ҳақиқати ва адолат" рукни ташкил этилиб, барча ишлар батафсил ёритиб борилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳрида жорий этила бошлаган "Хавфсиз пойтахт" концепциясини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида "Хавфсиз шаҳар" шаклида йўлга қўйиш, бунда ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланди. Бош вазир, Бош прокурор, ички ишлар ва мудофаа вазирлари, Миллий гвардия қўмондони ва Олий суд раисига бу борада тегишли топшириқлар берилди.

Жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этишга мойил шахслар ҳисобини юритишнинг самарали механизмини жорий этиш зарур. Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг ягона ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва ўзаро ахборот алмашувига масъул Ахборот маркази эса лоқайд масканга айланиб қолган. Бунга чек қўйиш учун Ахборот марказини Бош прокуратура таркибига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олишнинг электрон тизимини жорий қилиш лозим. Бу ишларнинг узвий давоми сифатида ҳар бир ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти рейтингини жорий этиш керак.

Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлайдиган бошқа ташкилотлар, ҳокимликлар, ички ишлар бўлимларида ёшлар бўйича ўринбосар лавозими жорий этилди. Лекин жиноят содир бўлганда уларнинг фаоллиги кўзга ташланмаяпти. Жойлардаги масъуллар жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириши ва сабабларини аниқлаши, оммавий ахборот воситаларида бевосита чиқиб маълумот бериши даркор. Шундагина ҳар бир жиноятнинг илдизигача етиб бориш мумкин бўлади. Акс ҳолда, ҳамма жиноятчиликка қарши курашиш иммунитетини шакллантириш ўрнига унинг оқибатлари билан овора бўлиб қолаверади.

Йиғилишда сўнгги пайтда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайгани билан боғлиқ муаммо муҳокама қилинди. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга оид дастурлар доирасида психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерларининг моддий-техник базаси яхшилангани, кадрлар малакасини ошириш тизими йўлга қўйилгани, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, туман хотин-қизлар қўмиталари ҳузурида махсус марказлар ташкил этилаётгани, "хавф остидаги гуруҳ"да бўлган шахсларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётганига қарамай, масъулларнинг бу масалага ёндашув ва муносабатида кескин ўзгариш кузатилмаяпти. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳодисага "фавқулодда ҳолат" сифатида қараши, таълим муассасаларида ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиши лозим. Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз жонига қасд қилишга нисбатан муқаддас динимизнинг муносабатини таъсирчан усулларда кенг оммага тушунтириши зарур.

Жорий йил 6 ойида рўйхатга олинган жиноятларни асосан ўғрилик, фирибгарлик, талончилик ва босқинчилик ташкил қилган. Бу ҳолат профилактика, жиноят-қидирув ва қўриқлаш хизматлари фаолияти мутлақо қониқарсиз эканидан далолат беради. Масалан, юртимиздаги хонадонларнинг 0,7, тадбиркорлик объектларининг 12 фоизигина қўриқлаш пультига уланган, оммавий жойлардаги видеокамералар ягона тизимга уланмаган. Яъни, қўриқлаш хизмати ҳамон эскича тизимда ишламоқда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатлар жиноятлар очилмай қолишининг сабабларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қўриқлаш хизмати фаолиятини янги тизим асосида ташкил этиш, ахборот технологияларини тўлиқ жорий қилиш, давлат-хусусий шерикликка мувофиқ сервис сифати ва кўламини ошириш лозим.

Йиғилишда ёшлар орасида жиноятчилик камаймаётгани масаласи кўриб чиқилди. Жорий йилнинг 6 ойида юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизида ёшларнинг қўли борлиги ачинарлидир. Бунинг сабаби ёшлар ягона ғоя, ягона мақсадлар йўлида жипслаштирилмаётгани, таълим-тарбия ва бандликни таъминлашда кўплаб тизимли муаммолар ҳал этилмаётганидадир. Масалан, бир йилда 600 мингдан зиёд йигит-қиз мактаб, лицей ва коллежларни битиради. Олий ўқув юртлари уларнинг 10-15 фоизини қабул қилади. Демак, қолганлар эртага ким бўлиши ҳақида бош қотириш зарур. Уларга муносиб шароит яратиб берилмас экан, эртага ниманидир талаб қилишга ҳеч кимнинг маънавий ҳуқуқи бўлмайди. Шунинг учун ҳам "Ёшлар – келажагимиз" Давлат дастури қабул қилинди, 800 миллиард сўм маблағ айнан ёшлар тадбиркорлиги, бандлиги учун йўналтирилди. Масъуллар уйма-уй юриб, ёшлар билан суҳбатлашиши, уларнинг орзу-мақсадларини билиш орқали ушбу дастурнинг тўлиқ ижросини таъминлаши лозим.

Йиғилишда йўл-транспорт ҳодисалари кўпайгани билан боғлиқ масала муҳокама қилиниб, бу борада энг асосий муаммо ҳайдовчи ва пиёдаларнинг билим-кўникмалари, қонунга итоаткорлик ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига ўзаро ҳурмат маданиятининг ўта пастлигида экани таъкидланди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо қўлланиляпти, лекин натижа кутилганидек эмас. Йўлларнинг аҳволи, йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, уларни босқичма-босқич замонавий қопламали йўл белгилари билан алмаштириш борасидаги ишлар талабга жавоб бермайди. Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль транспорти агентлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси 2018-2022 йилларга мўлжалланган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясида кўрсатилган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаши даркор. Шу билан бирга, соҳага давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этиш, ҳудудларда магистраль йўлларни хусусийлаштириш, пуллик хизматни йўлга қўйиш, йўл ҳаракати қоидаларини қасддан бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш чораларини кўриш керак.

Мана шундай камчиликлар туфайли ички ишлар идоралари чинакам "Халқчил ички ишлар органлари"га айланмаяпти. Ҳанузгача мурожаатларни эътиборсиз қолдириш, хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд. Кейинги вақтларда тизим ходимларининг номақбул ҳаракатлари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишига доир ҳолатлар интернетда кенг муҳокама қилинаётгани ички ишлар органларининг обрўсига путур етказмоқда. Ички ишлар вазирлиги кенгайтирилган ҳайъат мажлиси ўтказиб, бундай ҳодисаларни муҳокама қилиши, келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриши лозим.

Маълумки, ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш учун 5 та минтақавий ишчи гуруҳнинг ҳар бирига тегишли ҳудуд ва масъул раҳбарлар бириктирилиб, аниқ вазифалар юклатилган. Сони ошган жиноятларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароит ўрганилиб, ҳар бир турдаги жиноятнинг барвақт олдини олишга қаратилган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги тадбирлар қоғозда қолиб кетмаслиги кераклигини, ҳар бир тадбир, ҳар бир ҳаракат аниқ натижага қаратилган бўлиши, аҳолининг мушкулини енгил қилишга сафарбар этилиши зарурлигини қайд этди. Бунинг учун Республика комиссияси ҳар бир туман ва шаҳарга криминоген вазият нуқтаи назаридан "ташхис" қўйиб, унинг натижасига кўра мамлакатнинг криминоген харитасини ишлаб чиқиши керак.

Айни пайтда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳаммага, жумладан, судларга ҳам бирдек тегишли вазифадир. Лекин айрим судлар раислари нафақат бу ишни, балки ўзига юклатилган профессионал вазифаларни ҳам лозим даражада бажармаяпти. Шу нуқтаи назардан, Судьялар олий кенгаши, Олий суд судларда ишни тўғри ва самарали ташкил этиш, суд раислари фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш, жиноятчиликнинг олдини олишда судларнинг иштироки ва масъулиятини ошириш бўйича аниқ тадбирлар кўриши даркор.

Муҳокама қилинган барча масалаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ички ишлар органларининг таҳлилий-ҳуқуқий ва прогнозлаш фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Таҳлил қилиш қобилиятига эга кадрларни тарбиялаш борасида Ички ишлар вазирлиги академиясининг фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Чунки, жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда унинг динамикасини прогноз қилиш муҳим шартлардан ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда, тегишли мутасаддиларга ички ишлар органларининг бошқарув, тизимли таҳлил, прогноз ва назорат йўналишларидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ушбу мақсадда муқобил текширувлар ва режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилинди, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бир қатор лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ҳамда соддалаштирилди. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда, уларнинг ҳал этилиши бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш имконини беради. Хусусан:

**биринчидан,** назорат қилувчи органлар ва инсофли тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишончли ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилинганлиги амалдаги текширувлар тизимини, давлат назоратининг бошқа турларини, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тартибини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади;

**иккинчидан,** қонун ҳужжатларида замон талабларига жавоб бермайдиган айрим ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги сабабли солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пенялар ва молиявий жарималар бўйича қарздорликлар сунъий йўл билан йиғилиб бормоқда;

**учинчидан,** тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган давлат органларининг самарасиз ва ортиқча назорат функциялари амал қилмоқда;

**тўртинчидан,** тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг ташкилий жиҳатлари ва тартиб-таомилларини комплекс тартибга солиш ҳамда уларнинг қонунийлиги мониторингини олиб боришнинг ягона яхлит тизими мавжуд эмаслиги назорат қилувчи органлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва ўтказиладиган текширувларнинг асослилигини холис баҳолаш имконини бермаяпти;

**бешинчидан,** ўтказиладиган текширувларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва холислигини таъминловчи назорат қилувчи органлар фаолияти устидан мустақил жамоатчилик назорати тизими жорий этилмаган;

**олтинчидан,** кўчмас мулк объектларини бузиб, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг амалдаги механизмидаги камчиликлар уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмоқда, тадбиркорлик субъектларининг давлатга бўлган ишончига путур етказмоқда, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтирмоқда.

Бизнесни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада кучайтириш, мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

*(Давоми 2-бетда)*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## МАЖЛИСДА БАҲС БЎЛДИ, ЯКУНИ ҚАНДАЙ?

***Парламент қуйи палатасининг бўлиб ўтган мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг "Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастурларнинг ижро этилиш ҳолати тўғрисида"ги ахборотини эшитдилар.***

Таъкидлаб ўтилганидек, ушбу дастурларни амалга оширишда асосий эътибор аҳоли ва давлатнинг яшаш муҳити ҳамда экологик хавфсизлик даражаси учун кафолатланган ва қулай шароитларни яратишга, технологик жараёнларни ҳамда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиришга, атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олишга, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларида таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларини ва норматив-услубий базани такомиллаштириш масалаларига қаратилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Навоий вилоятида бўлди. Халқ вакиллари Қизилтепа, Кармана, Хатирчи ва Навбаҳор туманларида қишлоқ хўжалигида самарали иш олиб бораётган фермер хўжаликлари, томорқа ер эгалари фаолияти билан танишди. Аҳоли томорқаси ва деҳқон хўжаликлари ерларидан янада самарали фойдаланиш, сувни тежаш масалалари ўрганилди.**

**• Олмалиқ кон-металлургия комбинатида "Ишлаб чиқаришни автоматлаштиришда ахборот технологияларини жорий этиш" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда комбинат томонидан ишлаб чиқаришни автоматлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва режалар тўғрисида маълумот берилди.**

**• Аму-Бухоро магистраль каналининг Шофиркон шохобчаси каналидан сув олиб Қизилтепа ва Кармана туманларидаги суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлаб келган "Навоий" насос станциясининг 6 та агрегати реконструкциядан сўнг фойдаланишга топширилди.**

**• Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан бунёд этилаётган янги цемент заводида намуна сифатидаги дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Лойиҳа қиймати 212,8 миллион доллар бўлган корхона фойдаланишга топширилгач, 1000 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади.**

### ЖАҲОНДА

**• Индонезиянинг Ламбок оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли зилзила рўй бериши натижасида минглаб уйлар вайрон бўлди, электр тизимида узилишлар кузатилди, камида 14 киши ҳалок бўлди, 160 дан ортиқ одам жароҳатланди. Таъкидлаш жоизки, Индонезия кучли сейсмик зонада жойлашган бўлиб, 2014 йилда зилзила натижасида юзага келган цунами 160 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган.**

**• Сўнгги маълумотларга қараганда, Греция пойтахти Афина шаҳри атрофларида кучли ўрмон ёнғинлари натижасида ҳалок бўлганлар сони 91 кишига етди. Ёнғин туфайли минглаб уйлар ёниб кетган бўлиб, Метье қишлоғи бутунлай куйиб кулга айланган. Ушбу ёнғинларнинг атайлаб уюштирилганлиги ҳақида тахминлар мавжуд.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz
№ 142 (30.07.18)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг мазкур Фармон кучга кирган вақтда мавжуд бўлган қатъий белгиланган солиқ ва ушбу қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорликни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд харажатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича қуйидагиларга ҳисобланган қарздорликни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

2018 йил 1 апрелга қадар якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларга ва 2018 йил 1 апрелдан молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган (шу жумладан, фаолиятини вақтинча тўхтатган) якка тартибдаги тадбиркорларга;

давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги учун бир йиллик қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳисобланган жисмоний шахсларга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган қарздорликларни ҳисобдан чиқариш, мазкур банднинг тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шахслар 2019 йил 1 январга қадар муддатда тадбиркорлик фаолиятини тиклаган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда амалга оширилиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ушбу бандда кўрсатилган шахсларнинг тадбиркорлик ва молия-хўжалик фаолиятини тиклашда, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда фаол ёрдам берсин, бажарилган ишлар натижалари тўғрисидаги ойлик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

2. Якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахслардан тегишли фаолият тури бўйича белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган бир йиллик миқдордаги қатъий белгиланган солиқни бир йўла ундириш тартиби бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Олий суд билан биргаликда уч ой муддатда тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларга ҳисобланган ундириш умидсиз бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, мазкур қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорликни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд харажатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича қарздорликни хатловдан ўтказсин, кейинчалик кўрсатилган қарздорликларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Марказий банки, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги бўлган ва икки ой давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;

молия-хўжалик фаолиятни амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш, шунингдек, фаолият кўрсатмаётган ташкилотлар ва муассислари узоқ муддат бедарак бўлган ташкилотларнинг умидсиз қарздорлигини ҳисобдан чиқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. 2018 йил 1 сентябрдан:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибидаги текширувлар бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан:

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи "хавфни таҳлил этиш" тизими натижалари асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари назорат қилувчи органлар томонидан текширув тамомлангандан кейин уч кун давомида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

6. Қуйидагилар:

Ваколатли орган билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар турларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Назорат қилувчи органлардан бошқа ташкилотларга ўтказилаётган айрим назорат функциялари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин.

7. Назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда ўз фаолиятига "хавфни таҳлил этиш" тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги тегишли низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги назорат қилувчи органларга "хавфни таҳлил этиш" тизимини ўз фаолиятига жорий этишда кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг бошланғич версиясини ишлаб чиқсин ҳамда 2019 йил 1 январдан унинг қуйидагиларга имкон берувчи тўлиқ версиясини ишга туширсин:

а) ваколатли органга:

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида текширувларни ўтказиш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослилигини ўрганиш ва текширувларни ўтказишга ноёб код билан рухсат бериш;

назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган текширувлар ўтказиш тартибига риоя этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш;

б) назорат қилувчи органларга ўтказилган текширувлар натижаларини киритиш;

в) тадбиркорлик субъектларига ўз сўровларига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни қисқа хабар (SMS) кўринишида ҳамда реал вақт режимида Интернет тармоғи орқали олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу Фармон қоидаларини инобатга олган ҳолда "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин;

бир ой муддатда "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргунга қадар амал қиладиган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни ҳамда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5087-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектлари – Палата аъзоларининг фаолиятида ўтказиладиган текширувлар мониторингини амалга ошириши ҳамда текширувларда иштирок этиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда якунлари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ахборот тақдим қилиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказиш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Марказий банкининг 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги енгил автомобилларни банк корпоратив карталари орқали сотиб олиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда "Давергеодезкадастр" қўмитаси деб юритилади) ва Адлия вазирлигининг 2018 йил 1 октябрдан кўчмас мулкка (ер участкалари, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтларга) бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиришни бекор қилиш, тегишли ёзувни кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестрига электрон шаклда киритиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. 2018 йил 1 октябрдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги, шу жумладан, ушбу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши, шунингдек, улар билан тузилган битимлар ҳақидаги ахборот маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат нотариал идоралари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, бошқа ваколатли органлар томонидан "Давергеодезкадастр" қўмитасининг ҳудудий органларига тегишли хатти-ҳаракатлар содир этилган кундан бошлаб бир кун муддатда ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади;

"Давергеодезкадастр" қўмитасининг ҳудудий органлари ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ахборотга асосан кўчмас мулкка бўлган тегишли ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилганда, давлат ва бошқа ташкилотлар сўров юборганда "Давергеодезкадастр" қўмитасининг ҳудудий органлари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестридан тегишли ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи электрон ва (ёки) қоғоз шаклдаги кўчирмани тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу банднинг талабларидан келиб чиққан ҳолда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва улар билан тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янги механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармани (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил қилиш;

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини белгилаш, уларда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми маблағлари жалб қилинишини назарда тутиш;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишини Жамғарма билан мажбурий тарзда келишиш тартибини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини назарда тутган ҳолда, Жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини қабул қилсин.

17. 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 27 июль*

## МАЖЛИСДА БАҲС БЎЛДИ, ЯКУНИ ҚАНДАЙ?

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу билан бирга, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олишга доир минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди.

Муҳокамалар чоғида депутатлар дастурларда ижро этилмаган бандларнинг бажарилиши сифатини ҳамда ушбу тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ва моддий ресурсларнинг ўзлаштирилишини танқидий таҳлил этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлаб ўтдилар.

Эшитув якунида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор долзарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Депутатлар ишни **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритишни** назарда тутувчи қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишдан бошладилар. Муҳтож шахсларга шошилинч ёки кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз рад этганлик учун тиббиёт ташкилотларининг раҳбарлари ва ходимларига жавобгарлик белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси юзасидан қизғин баҳслар бўлди.

Шу нарса таъкидландики, кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг малакали тиббий ёрдам кўрсатилишига бўлган ҳуқуқини таъминлаш, аҳолига шошилинч ёрдам кўрсатиш тезкорлиги, сифати ва даражасини ошириш учун мўлжалланган амалдаги қонунчилик базасини тўлдиради.

Шу билан бирга, депутатларнинг фикрига кўра, ҳуқуқий ҳужжатнинг мазкур лойиҳаси ҳали маромига етказилиши керак, унда мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар тўла акс этмаган. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг масъул қўмитага фракциянинг фикрлари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун қонун лойиҳасини маромига етказиш таклиф этилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш профессионал юридик ёрдам сифатини, адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишларини юритишда тенг ҳуқуқлилик ва баҳслашув принципларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган **адвокатура институтини такомиллаштиришни** назарда тутувчи қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда депутатлар **нотариат институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги** қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, нотариал идоралар фаолиятида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга, иқтисодий, оилавий, меросга, уй-жойга ва меҳнатга оид ҳамда бошқа низоларнинг олдини олиш учун нотариат салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга тўсқинлик қилувчи кўплаб муаммо ва камчиликлар мавжуддир.

Қонун лойиҳасининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифатини яхшилаш, низоларнинг олдини олувчи институт сифатида ривожлантириш, шахсларни нотариал фаолиятга кириш имконини берувчи самарали, шаффоф, нотариатни ҳалол ва малакали нотариал хизматларни юқори сифатда кўрсата оладиган мутахассислар билан тўлдириш тизимини яратишга қаратилгандир.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нотариатни огоҳлантирувчи одил судлов институти сифатида янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлиги ошади.

Шундан сўнг сув, электр ва газ таъминоти хизматлари учун тўлов интизомини мустаҳкамлашни, шунингдек, истеъмолчиларнинг масъулиятини оширишни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 134-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир** қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қизғин баҳслардан сўнг қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди ҳамда муҳокама жараёнида билдирилган фикрлар ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш вазифаси масъул қўмиталар зиммасига юклатилди.

Шунингдек, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг**
**Матбуот хизмати**

# МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ – САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

***Маданият вазирлигида тизим фаолияти, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни юртимиз ижодкор зиёлилари билан учрашувида соҳа ривожига оид вазифа ва аниқ чора-тадбирларни белгилаб берганини таъкидлади. Ўтган вақт мобайнида миллий маданият ва санъатимиз равнақига оид кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатлари соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижодий жамоалар моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда музейлар фаолиятини таҳлил этиш ва халқаро тажрибани чуқур ўрганиш натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрда "2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори тасдиқланди.

Анжуманда таъкидланганидек, 2017-2027 йилларда юртимизда 21 та музей қайта ва яна 7 та янги музей ташкил этилиши белгиланган. Дастурга кўра 2018 йилда 5 та музейда реконструкция, 6 та музейда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Бугунги кунда юртимизда 7,5 мингга яқин моддий маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган. Уларнинг 4 минг 300 дан ортиғи минг йиллик тарихга эга археология ёдгорлиги саналади.

Матбуот анжуманида моддий маданий мерос объектлари муҳофазаси билан боғлиқ долзарб масалалар ечимига оид амалий чора-тадбирлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

**(ЎзА)**

## Кўрик-танловлар



***Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Адолатли қайнона" кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамкорлигида ўтказилган танловда туман босқичларида ғолиб деб топилган 10 нафар қайнона иштирок этди.***

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ФАРОВОНЛИК КАЛИТИДИР

Улар "Таништирув", "Савол-жавоб", "Эркин мавзу" каби шартлар асосида ўзаро беллашдилар. Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона баҳолаб борилди.

– Ушбу кўрик-танлов фаол, сиёсий-ижтимоий билим ва қадриятни яхши ўзлаштирган, маҳалла ва оилада барчага ибрат бўлган ташаббускор аёлларни аниқлаш, уларнинг тажрибасини кенг тарғиб қилиш, қайнона-келин муносабатларини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби Зулайхо Чўлпонова. – Жумладан, қайнона ва келинлар муносабатларида ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳилликни қарор топтириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ажрим ҳолатларигача олиб келаётган дабдабали тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимлардаги исрофгарчилик ҳолатларининг олдини олиш, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни тарғиб этишда ўз самарасини беради.

Хотин-қизлар ва айниқса қайноналар билан ишлашнинг янги механизмларини амалиётга татбиқ этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, қайнона-келин орасидаги муносабат ва ўзаро аҳилликни тарғиб қилиш, барчага ибрат бўла оладиган қайноналарни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олган "Адолатли қайнона" кўрик-танловининг ўтказилиши жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга моликдир.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган танловда қайноналарнинг оилавий қадриятларни қарор топтиришда ўз тажрибасига эгалиги, фарзандларини комил ва баркамол этиб тарбиялашдаги фазилатлари барчага ибрат вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, оила ҳаёти қанчалар юксак ахлоқ, илму урфонга асосланган бўлса, жамият ҳаёти ҳам шунчалик соғлом бўлади. Айниқса оила тинчлигини, хотиржамлигини таъминловчи қайнона зиммасида катта масъулият бор. Оилаларни янада бирлаштиришда, ёшларни халқимизга муҳаббатли, солиҳ ҳамда қобил инсонлар этиб улғайтиришда қайноналарнинг ўрни ҳамда улар бераётган ўгит ва сабоқлар жуда муҳимдир. Мазкур танлов ҳам, оила мустаҳкамлигини янада барқарор этиб таъминлашда, қайнона, келин муносабатидаги зиддиятларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Танловда Чилонзор туманидаги Гавҳар маҳалласи иштирокчиси Муаттар Ҳамроева биринчи ўринни эгаллаб, "Адолатли қайнона" кўрик-танловининг ғолиби деб топилди ва танловнинг Республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

– Келинларга ҳаётнинг паст-баландини енгишида маслаҳат бериш, хато ва камчиликларини бартараф этишда уларни қўллаш, энг муҳими, оилада соғлом муҳитни яратиш, ажримларнинг олдини олишда қайноналарнинг ўрни ниҳоятда каттадир, – дейди Муаттар Ҳамроева. – Оиладаги аҳилликни сақлаш, келин ва фарзандлар ўртасидаги соғлом муҳитни таъминлашда қайнона кўприк вазифасини ўтамоғи лозим. Ушбу танлов ҳам хонадонларнинг аҳиллигига ва қайнона-келин ўртасидаги ришталарнинг меҳр билан янада мустаҳкамроқ боғланишига хизмат қилади.

Ҳа, юртимизда қайноналик сабоғини ўргатадиган, ёки келинлик вазифасини ибрат қилиб кўрсатадиган алоҳида бир даргоҳларимиз йўқ. Негаки қайноналикнинг ўзи бу ҳаётда улуғ мартаба, келинлик эса олий даражадаги мақомдир. Унга лойиқ бўлиш ҳар биримизга насиб айласин.

Тадбир сўнгида ғолиблар ва иштирокчилар партиянинг шаҳар Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: "Адолатли қайнона" кўрик-танловидан лавҳа**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

***Парламент қуйи палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида тери-таносил касалликларига чалинган беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларни даволаш ҳолати атрофлича муҳокама этилди.***

Айни пайтда аҳолига дерматологик хизмат кўрсатиш бўйича 13 та республика ва вилоят тери-таносил касалликлари диспансери фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт муассасаларида тери-таносил касалликлари бўйича 1 минг 745 та ўрин мавжуд бўлиб, шундан 75 фоизи вилоят тери-таносил касалликлари диспансерлари қошида, 25 фоизи Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган.

Таъкидланганидек, депутатлар томонидан мамлакатимизда таносил касалликларига чалинган беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш ҳолати Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутахассислари билан биргаликда ўрганилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида таносил касалликларини текшириш, мажбурий даволаш ишлари соғлиқни сақлаш ва ички ишлар вазирларининг 1997 йил 15 майдаги "Хавфли гуруҳга кирувчи шахсларнинг жинсий йўл билан юқувчи касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ амалга оширилган.

Аммо, бу амалиёт соғлиқни сақлаш ҳамда ички ишлар вазирларининг 2016 йил 31 августдаги тегишли буйруғи билан бекор қилинган. Шу сабабли ҳозирги кунда таносил касалликларини аниқлаш бўйича мажбурий тиббий кўриклар ўтказилмаяпти, мазкур хасталикка чалинган шахслар тўғрисидаги статистик маълумотлар юритилмаяпти.

2016 йилнинг 7 ойи мобайнида фоҳишалик билан шуғулланган 1 минг 875 нафар шахс тери-таносил касалликлари диспансерларига мажбурий жойлаштирилиб, уларнинг 983 нафарида ёки 52,4 фоизида юқумли таносил касалликлари аниқланган.

Тошкент шаҳар тери-таносил касалликлари диспансерининг 2016 йил 31 августга қадар бўлган фаолияти ўрганилганда таносил касаллигига чалинган шахсларни аниқлаш, диспансерга олиб келиш, уларнинг таъминоти, даволаш учун ётқизиш борасида қатор муаммолар мавжуд бўлиб келганлиги аниқланди. Ҳуқуқий асос бўлмаган ҳолда фуқаро фақатгина тери-таносил касаллиги мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахмин билан диспансерга олиб келиниб, уч кун мобайнида текширишдан ўтказиш учун мажбурий сақланган. Бу даврда унга тўрт маҳал овқатланиш, кўрпа-тўшак учун бюджетдан пул сарфлаб келинган.

Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Украина каби хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, ушбу давлатлар қонунчилигида мазкур касалликка чалинган беморлар суд қарори асосида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши, даволаниши белгиланган. Давра суҳбатида мажбурий тиббий кўрик ва даволаниш ишларининг олиб борилмаслиги натижасида ҳозирги кунда таносил касаллигига чалинган беморлар соғлом одамлар саломатлигига жиддий хавф туғдираётгани айтиб ўтилди.

Ушбу касалликнинг ижтимоий хавфи юқорилиги сабабли бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, жумладан, "Таносил касалликларининг профилактикаси ва даволаниш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, ҳозирги кунда республикамизда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган, аҳолининг соғлиғи, келажаги учун хавфли бўлган таносил касалликларини мажбурий даволашга, унинг тарқалишининг кескин олди олинишига хизмат қилади.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## "Обод маҳалла" дастури – амалда

# БЎЗСУВ КАНАЛИ АТРОФЛАРИ ОБОДОНЛАШТИРИЛМОҚДА

***Маълумки, 2018 йил 27 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор мажлисида Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси, канал ва коллекторларнинг қирғоқбўйи минтақаларидаги ноқонуний қурилмаларни олиб ташлаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.***





Ушбу вазифаларни сўзсиз бажариш мақсадида бугунги кунда пойтахтимизда "Тоза канал" кампанияси бўйича ҳар бир секторда 1 тадан, жами 44 та ишчи гуруҳ, ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш бўйича Тошкент шаҳар ва Республика штаблари, шунингдек, Сенат аъзолари, депутатлар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ходимларидан иборат 11 та тарғибот гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Тарғибот гуруҳлари аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Бугунги кунга қадар Тошкент шаҳрида 130 дан зиёд бундай тадбир ўтказилиб, уларда пойтахт аҳолисига "Тоза канал" кампаниясининг аҳамияти, сувнинг қадрига етиш, унинг тозалигини таъминлаш, каналларга туташ бўлган ҳудудларни ободонлаштириш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, каналларнинг қирғоқбўйи ҳудудларида жойлашган ноқонуний қурилмаларни йўқ қилиш, биноларни бузишга огоҳлантиришлар бериш, зарур ҳолларда судга даъво аризалари киритиш, қонуний турар жойлари бузилган мулк эгаларига етказилган зарарни қоплаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Жумладан, Учтепа тумани ҳудудидан узунлиги 21 километр бўлган 7 та канал ўтган. Бугунги кунга қадар узунлиги 7,2 километр бўлган Бўзсув каналининг 2,5 километри тозаланди. Каналлар бўйида 119 та объект жойлашган бўлиб, шундан 51 таси турар жой, 68 таси нотурар жой объектидир. Уларнинг тегишли равишда 36 таси ва 40 таси ноқонуний объект эканлиги аниқланди ва уларни бузиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Бу борадаги тарғибот тадбирларида ишчи гуруҳ томонидан қонунда белгиланган тартибда ҳар бир хонадон ва нотурар объект мулкдорлари билан учрашувлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, шунингдек, зарур ҳолларда ёзма равишда огоҳлантиришлар берилмоқда.

Учтепа туманида "Тоза канал" кампанияси доирасида бўлиб ўтган йиғилишда ишчи гуруҳ аъзолари, шу жумладан сенаторлар, депутатлар, тўртинчи сектор раҳбарлари, ҳокимлик мутасаддилари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда бажарилган ишлар таҳлил қилинди ва туманда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, сувсиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Сув экинларни яшнатади, ҳосилни кўкартиради, шунинг учун ҳам экин-тикин, дарахтлар ям-яшил. Одамзод ҳам худди шундай. Бир куни сув ичмай кўрингчи, ўзингизни қандай ҳис қиларкансиз?

Бугун каналлар атрофидаги мавзуси одамлар тилида. Оқар сувга хўжасизларча муносабат қачондан шаклланди? Нега олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмаймиз? Йўқса, пойтахтимиз орқали ўтган каналлар атрофини ўзбошимчалик билан чиқинди ташлаш маконига айлантирармидик?! Бугун сув бўйларига қараб ачинасан, киши.

Нега одамзод ношукрчилик қилмоқда? Сувга ахлат оқизаяпмиз, ифлослантиряпмиз. Ахир халқимизда, "Сувга қараб супурма, сувга тупурма", деган нақл борку!

Республика ишчи гуруҳи томонидан тўпланиб қолган муаммолар, хусусан каналлар атрофи ўрганилганида кўплаб салбий ҳолатлар юзага қалқиб чиқди. Ва зудлик билан аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Учтепа туманининг 8 та маҳалласидан "Бўзсув" канали оқиб ўтади. Қарийб 7 километр жойни эгаллаган ҳудуд атрофига ўзбошимчалик билан ноқонуний уйлар, молхоналар қуриб ташланган. Айрим одамлар ҳожатхона канализациясини ҳам каналга улаб қўйган. Ахир буни қандай тушуниш мумкин? Ўта маданиятсизликку бу. Каналдаги ахлатлар оқиб бориб қўшнилар уйига тушадику! Шу бадбинликни улар ўзларига раво кўрармикинлар?

– Бўзсув канали Учтепа туманининг Кўкча Оқтепа, Журжоний, Давлатобод, Юсуф Саккокий, Пахтакор, Чўпон ота, Ўрикзор маҳаллаларидан оқиб ўтади, – дейди "Нуроний" жамғармаси Учтепа тумани бўлими раиси Зикрилла Исматов. – Бугунги кунда "Обод маҳалла" дастури доирасида кенг қамровли ободончилик ишлари олиб борилаяпти. Бизга Бухородан техникалар ёрдамга келган. Ҳозир канал атрофи йўллари очилмоқда.

– Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда каналларга эътибор қаратилмагани учун қаровсиз аҳволга келиб қолган эди, – дея суҳбатга қўшилади "Катта қаъни" маҳалласи фаоли Эргаш Холқосимов. – Айрим фуқароларнинг молхоналарини канал бўйига қуриб олгани, чиқинди ташлашлари, сувни ифлослантиришлари одамнинг ғашини келтиради. Айни пайтда бундай ноқонуний қурилмалар бузилаяпти, аҳоли билан тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Канал атрофлари тозаланмоқда.

Учтепа туманидан ўтган Бўзсув канали атрофларида кенг кўламда тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар Мирзо Улуғбек, Юнусобод туманларидан бошланиб Учтепада якунланади. Юқорида айтилганидек, Учтепа туманига Бухородан "Аму Бухоро ирригация ҳавза бошқармаси" техниклари ёрдамга келган. Иш юритувчи Ҳусейн Ражабовнинг айтишича, битта экскаватор, битта бульдозер, 5 та "МАН" юк машинаси олиб келинган. Бульдозерчилар Фахриддин Қутиев, Жаббор Йўлдошевлар маҳорати ила канал атрофини беркитиб қўйган ноқонуний қурилмалар, чиқиндилар олиб ташланмоқда.

Каналлар атрофини тозалашга Учтепа туманининг 4 та сектори раҳбарлари, ободонлаштириш бошқармаси ишчилари, маҳалла-кўй жалб қилинди. Бутун туман аҳолиси ҳашарга чиқди. Туманга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмита раиси Муҳаммад Жумагелдиев олиб борилаётган ишларни назорат қилиб турибди. Биз у кишини суҳбатга тортдик.

– Маълумки, тозалик, ободончилик ишларига жуда катта эътибор берилмоқда, – дейди М. Жумагелдиев. – Айниқса, "Тоза канал" кампанияси доирасида ҳаёт-мамотимиз бўлган сувни кўз қорачиғидек асрашга, уни исроф қилмаслик масаласи бугун кун тартибига қўйилган. Қадимдан ота-боболаримиз сувни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашган. Мисол учун, "Авесто" китобида келтирилишича, оқар сувларнинг бўйларига мевали дарахт экишга йўл қўйилмаган. Чунки, мевали дарахт пишгандан кейин сувга тушиб, чириб ифлослантирмасин, деган маънода шундай қилинган. Сувга эътибор жуда кучли бўлган. Бугунги кунда ҳам биз сувни қанчалик эъзозласак шунча кам. Бутун дунёда 7 млрд. аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, шунинг 1,5 млрд.дан кўпи сув етишмаслигидан азоб чекмоқда. Иқлим ўзгаришлари натижасида сув танқислиги йилдан-йилга ортмоқда. Жаҳон олимлари шу масала устида бош қотиришаётир. Олимларнинг фикрича, кейинги 10 йил ичида айниқса, ичимлик сувига бўлган талаб ўн баробар ошган.

Яхши эслайман, қишлоқда яшардик, ёшлигимизда дарё, каналларнинг бўйларида нуронийлар дам олиб ўтириб, биз ёшларга сувга зиён етказмасликка даъват қилишарди. Оқар сувга нон ташлаб ердик. Ҳозирги Чирчиқ, Бўзсув каналлари бўйларида аҳолининг сувга бўлган муносабатини кўриб дилинг ғашланади. Уларнинг бу қилмишини асло оқлаб бўлмайди.

Юртбошимизнинг топшириқлари билан Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди, каналлар атрофини тозалаш ишлари бошланди. Эндиликда канал бўйлари одамлар дам оладиган жойларга айланади. Кенг жамоатчилик, маҳаллий Кенгашлар депутатлар, сенаторлар биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, тушунтирадиган бўлсак, ўйлаймизки, албатта халқимиз буни тўғри тушунади. Канал атрофлари обод бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ давлатдан, раҳбарлардан рози бўлади. Бизнинг мақсадимиз ҳам халқни рози қилишдир.

Ҳа, ҳозирда пойтахт каналлари атрофи ободонлаштирилмоқда. Бугун Сеул (олдинги Байналмилал) кўчасига ташриф буюрган киши канал атрофидаги ободончиликни кўриб дили яйрайди. Бу ерда одамлар пиёда ҳамда велосипедда сайр қилиши, ўтириб гурунглашиши, бир сўз билан айтганда ишдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилмоқда.

– Қилинаётган бу ободончилик ишларидан дилимиз ниҳоятда қувонмоқда, – дейди чилонзорлик Насиба Акбарова. – Сеул кўчасига яқин жойда истиқомат қиламан. Ишдан сўнг оиламиз, яқинларим билан сайр қиламан. Илгари бундай шароитлар йўқ эди. Бугун эса янгича манзарани кўриб шод-хуррамммиз.

...Учтепа тумани Бўзсув канали атрофидаги ҳудудда қудратли бульдозерлар қазиш, тозалаш ишларини олиб боряпти. "Нуроний" жамғармаси раиси Зикрилла Исматовнинг таъкидлашича, канал атрофлари тез орада Сеул кўчаси сингари одамлар сайр қилиб юрадиган гўшага айланади...

**Зокиржон ШАРИФЖОНОВ**







Футбол янгиликлари

## АРГЕНТИНАЛИК МУТАХАССИСГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

***Маълумки, футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш баҳсларидаги муваффақиятсиз иштирокдан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийсиз қолган эди.***

Албатта, ўтган 10 ой оралиғида миллий терма жамоамизни хориж терма жамоаларига қарши назорат-ўртоқлик баҳсларига вақтинчалик бош мураббий сифатида аввалига Рўзиқул Бердиев, кейинчалик эса Темур Кападзе тайёрлади. ЎФА раҳбарияти томонидан миллий терма жамоамизни тажрибали хорижлик мутахассис бошқариши маълум қилинди. ЎФА раҳбарияти шу кунга қадар кўпгина хорижлик мутахассислар билан музокара олиб борди. Дарвоқе, миллий терма жамоамиз бошқарувига португалиялик Карлуш Кейруш келиши ҳақида ҳам гап-сўзлар тар*қалган эди. Аммо, Карлуш Кейруш Россияда уюштирилган жаҳон чемпионатидан кейин ҳам Эрон терма жамоасини бошқаришда давом этмоқда. Катта эҳтимол билан Карлуш Кейруш Эрон миллий терма жамоасини БААда келгуси йил ўтказиладиган Осиё кубоги баҳсларига тайёрлайди.

Ўзбек футболи раҳбариятига алоқадор манбалар маълумотига таянадиган бўлсак, миллий терма жамоамизни бош мураббий сифатида бошқарадиган мутахассис номи деярли маълум бўлди. ЎФА аргентиналик мутахассис Эктор Купер билан келишувга эришган. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси расман июль ойи сўнгида эълон қилиниши кутилмоқда.

## ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

***Келгуси йилдан Суперлиганинг ҳар бир футбол жамоаси ўз академияси масаласига жиддий эътибор қаратиши ЎФА томонидан талаб этилмоқда.***

Шу боис ҳам эндиликда футбол академиялари ривожланган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Яқиндагина Ўзбекистон ва Португалия Профессионал футбол лигалари ўзаро ҳамкорлик борасида келишувга эришган эди. ПФЛ Халқаро алоқалар бўлими вакили Зоҳид Акрамов Порту шаҳрига сафар қилди. Ўзбекистонлик мутахассис Порту шаҳрида Португалия профессионал футбол лигаси ижрочи директори Сониа Карнейру ҳамда юридик масалалар бўйича ижрочи директор Жаоу Мартинс билан учрашди. Эндиликда Португалия профессионал футбол лигаси маркетинг, медиа, клублар билан ишлаш, трансляция ва бошқа турли масалалар бўйича ўз мутахассисларини юртимизга юборади, улар семинарлар ташкил қилиб, ўз тажрибаси билан ўртоқлашади. Шунингдек, "Порту" футбол клуби академияси мураббийлари сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистонга келишади, ёш футболчиларимизга "Порту" методикаси асосида футбол сирларини ўргатишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

***Қарши шаҳрида футбол бўйича 12 ёшли болалар жамоалари ўртасида ўтказилган "WONA CUP" мусобақасида пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилган "Чиғатой" ҳамда "Локомотив" жамоалари Тошкентга совриндор бўлиб қайтишди.***

Гап шундаки, ЎФА ташаббуси билан ёш авлод ўртасида миллионлар ўйинини янада оммалаштириш, янги иқтидорларни кашф қилиш мақсадида ташкиллаштирилган турнир муросасиз, шиддатли курашлар остида кечди. Мусобақага рақибларидан кўра пухта тайёргарлик кўрган пойтахтнинг "Чиғатой", "Локомотив", Қашқадарёнинг "Насаф", "Касби" жамоалари ярим финалга етиб келишди. Ярим финалда "Чиғатой" "Локомотив"-ни 1:0, "Насаф" эса "Касби"ни 3:1 ҳисобида енгиб бош соврин учун курашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Мусобақанинг бронза медаллари учун ўзаро баҳс олиб борган "Локомотив" — "Касби" ўйинида темирйўлчилар 2:0 ҳисобида зафар қучишди.

Бош совринни қўлга киритиш мақсадида майдонга тушган "Насаф" — "Чиғатой" жамоалари учрашувида мезбонларнинг қўли баланд келди. Беллашув 3:1 ҳисобида якунланди.

Турнир якунида совриндор бўлган "Насаф", "Чиғатой" ҳамда "Локомотив" жамоаларига ЎФА томонидан медаллар, диплом, қимматбаҳо совғалар туҳфа этилди.

**Зилола МАҲАМАДЖОНОВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси**

## ЯНГИ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ТИЗИМИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳасини амалга ошириш ва республикамизда электрон ахборот-кутубхона тизимини ривожлантириш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.***

Унда мутасадди ташкилот вакиллари, республикамиздаги ахборот-кутубхона марказлари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Абдуазизов, "Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳаси бошқарувчиси Томас Ким ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг онгу тафаккури, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг китобхонлик маданиятини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда "Миллий умумтаълим электрон кутубхона" лойиҳасини техник жиҳатдан таъминлаш ишлари Корея Республикасининг LG CNS компанияси томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Рақамлаштириш ва сканерлаш", "Мультимедиа" марказлари ташкил этишни кўзда тутади. Айни пайтда зарур техник жиҳозлаш ишлари якунига етмоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, "Миллий умумтаълим электрон кутубхона" мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, турли йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Марказ ишга тушгач, Фанлар академияси билан ҳамкорликда олимлар ва тадқиқотчилар, талаба-ёшлар учун семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилган.

## ЁНҒИН ЎЧИРИШ ТЕХНИКАЛАРИ НАМОЙИШИ

***Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал, деб бежиз айтилмаган. Ёнғинлар кўпинча аҳоли ҳаётига хавф туғдирибгина қолмай, катта моддий зарар ҳам етказади. Шунинг учун ўз вақтида ёнғинга қарши ҳимоя чораларини кўриш ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Бу борада ёнғинга қарши профилактик чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Пойтахтимизнинг Сергели туманида ёнғин содир бўлганда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни тушунтириш мақсадида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли билан учрашув ўтказди. Унда ёнғин ўчириш махсус техникалари ва мосламалари, қутқарув соҳавий хизматларининг салоҳияти ҳам намойиш этилди.

Президентнинг 2017 йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда ҳудуд аҳолисига ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш тартиб-қоидалари, одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун зарур тавсиялар берилди.

– Ёнғин хавфсизлиги шахсий таркиби ҳар қандай ҳолатга шай турмоғи, ёнғинни бартараф қилишга жалб этиладиган куч ва воситаларни бошқариш ҳамда улардан самарали фойдаланишни билиши лозим, – дейди ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси, катта лейтенант Сардор Қодиров. – Чунки, фуқаролар тақдири уларнинг қўлида. Йил бошидан буён ёнғинлар профилактикаси доирасида пойтахтимиздаги ижтимоий аҳамиятга молик объектлар, саноат корхоналари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашув, давра суҳбатлари ва ёнғин-тактик машғулотлари ўтказилди.

Тадбир доирасида ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни ўз вақтида бартараф этиш, бинодаги фуқароларни эвакуация қилиш, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги ва касбий маҳорати намойиш этилди. Жанговар бўлинма ходимлари белгиланган тартиб асосида ҳаракат қилиб, шартли ёнғин ўчирилди. Машқ охирида бажарилган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди.

Умумтаълим мактабларида ташкил этилган ёш ёнғин ўчириш дружиналарининг саҳна кўринишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**(ЎзА)**

## ЭРТАКЛАР – ЭЗГУЛИК ТАРБИЯЧИСИ

***Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган Осиё "Эртакчилик санъати" халқаро қўмитасининг XI мажлиси доирасида Ўзбекистон давлат ёшлар театрида "Ёш мусиқачи" спектакли намойиш этилди.***

Эртаклар замирида оқни қорадан ажрата олиш, тўғри қарор қабул қилиш, ҳаёт йўлларида адашмасликка чорловчи ҳикмат мужассам. Шу маънода Осиё мамлакатларининг достонлар ва эртак шаклидаги халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаш, энг сараларини китоб ҳолида чоп этиш, уларнинг кўргазмасини ташкил қилиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда "Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми котибиятининг ҳиссаси катта.

– Эртаклар болаларда Ватанга садоқат, тўғрилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, – дейди ЎзА мухбирига "Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми котибиятининг етакчи мутахассиси Ли Сомюнг. – Эртакчилик санъатига оид бу лойиҳа Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида, адабий-ижодий ҳамкорликнинг кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

...Қоронғу саҳнада жажжи мусиқачининг саргузаштлари акс этади. Унинг нур, ижод завқи йўлидаги изланишлари ёш томошабинни бефарқ қолдирмайди. Болалар шоири ва ёзувчиси Раим Фарҳодий асари асосида саҳналаштирилган бу эртак кичкинтойларда тиришқоқлик, қатъиятлилик каби фазилатларни тарбиялашга, иродани мустаҳкамлашга, ижодкорлик, тасаввур ва хаёлот дунёсининг бойишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Таниқли ижодкор Кавсар Турдиеванинг "Нортой ва Қорбобо" эртаги асосида тайёрланган китоб тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Н.УСМОНОВА**

***Бугунги кунда профилактика инспекторлари давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда қонунбузарликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва қонун устуворлигини қарор топтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратаётган бўлса-да, фуқароларни алдаб, фирибгарлик қилаётган шахслар ҳамон учрамоқда.***

Жиноят ва жазо

## ФИРИБГАР АЁЛ ЖИНОЯТЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Айниқса, аёлларнинг фирибгарлик йўли билан жиноят содир этаётгани ачинарли ҳолдир.

Оилали, 4 нафар фарзанди бор Д.Азимова (ўзгартирилган) муқаддам судланган бўлса-да, қилмишидан тўғри хулоса чиқармай, яна фирибгарликка қўл урди. 2014 йил 18 мартда Тошкент шаҳар Олмазор туманида фуқаро А.Ж.нинг "Matiz" русумли автомашинасини савдолашиб, 9 минг долларга сотишга кўндирди. Эгасига олдиндан 4 минг доллар бериб, қолганини бир ойдан сўнг беришни айтди. Сўнг Д.Азимова автомашинани бошқа шахсга сотиб, пулни ишлатиб юборди.

У фирибгарлик қилишда давом этаверди. Шу йили 29 июнда фуқаро Э.Б.нинг "Spark" русумли автомашинасини 12 минг долларга сотиб олишга келишади. Автомашина учун олдиндан 4 минг доллар бериб, қолганини сентябрь ойигача беришини ваъда қилади. 26 июлда фуқаро К.Б.га тегишли "Nexia-1" русумли автомашинани 12 минг 600 долларга баҳолайди. Одатдагидек олдиндан 7 минг доллар бериб, қолганини бир ойдан кейин беришини айтади. Д.Азимова бу вақт давомида яна кўплаб фуқароларга келишилган пулни тўлиғича бермасдан автомашиналарни бошқа шахсга сотиб юборади.

Ушбу ҳолат юзасидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор тумани суди томонидан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида очиқ суд мажлиси ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.

Суд ишида судланувчи қилмишидан пушаймон бўлиб, барча айбига иқрор бўлди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари эшитилди. Тўпланган далиллар яна бир бор кўздан кечирилиб, судланувчига ҳукм эълон қилинди. Д.Азимовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди. Судланувчидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарар ундириладиган бўлди.

**А.МУСАЕВ**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko`chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **31 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 20-22, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **31 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 735

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5313 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345